

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

649 **Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кен-
гаш тўғрисидаги низомнинг 69-бандига ўзгартириш
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2440-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг му-
рожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли «Олий ўқув юртидан
кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни
аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 195/3-сонли
қарори (рўйхат рақами 2440, 2013 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 13-сон, 166-модда) билан тасдиқлан-
ган Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги
низомнинг 69-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғри-
сида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда ва
муддатларда кўриб чиқилади.».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазир-
лиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи
ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан
ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан
келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Раис

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 26 декабрь,
211/1-сон

Келишилган:

*Маданият ва спорт
ишлари вазири в. в. б.*

Б. АХМЕДОВ

2014 йил 26 декабрь

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ВАҲАБОВ

2014 йил 26 декабрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2014 йил 26 декабрь

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2014 йил 26 декабрь

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2014 йил 26 декабрь

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2014 йил 26 декабрь

Фанлар академияси президенти

Ш. САЛИХОВ

2014 йил 26 декабрь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси раиси*

Ш. САЛИХОВ

2014 йил 26 декабрь